



ЯНГИ ИҚТИДОРЛАР, ЯНГИ ҒАЛАБАЛАР, ЯНГИ БАҲОДИРЛАР,  
БУ – ФАҚАТ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИКИ,  
ПРЕЗИДЕНТНИКИ!!!

8-саҳифада.

# Маҳалла

№47 (2185) | 2024 йил 15 АВГУСТ, ПАЙШАНБА

WWW.UZMAHALLA.UZ

ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСII, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

БИЗ БИР БЎЛСАК — ЯГОНА ХАЛҚМИЗ,  
БИРЛАШСАК — ВАТАНМИЗ!

## ИЗЛАНИШ ИЛМГА, ЎРГАНИШ ТАЖРИБАГА, ИНТИЛИШ ТАШАББУСГА ЕТАКЛАЙДИ



СУҲБАТ

“Маҳалла еттилиги”нинг дунёкарашида, фикрлашида, иш фаолиятида ўзгаришлар катта. Улар билан суҳбатлашиб, очини, Президент шончии ўз сўзи ва аҳдида қатъий инсонлар қўлида эканлигига амин бўлдим.

“Хозир “бўйинбоғни ечиб”, ишлайдиган, халқона тилда айтганда, тенадан пастга тунадиган пайт. Хар ғал қайсибир вилоят ёки туманга борсам, албатта, худуд раҳбарларига бунини қатъий равишда уқтираман.

“Муаммони бартараф этини, олдини олсини учун нима қилини керак?”, деган савол ўртага қўйилса, айтаманки, энг аввало, “еттилик” фаол бўлини зарур, хар қандай масалада ўз фикри, ёндашуви, тақлифини билдира олсини керак.

2-, 3-саҳифаларда.

## ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ НАҚД пул шаклида берилса...

ТАКЛИФ,  
ТАШАББУС,  
НАТИЖА



Кичик бизнес лойиҳаларини молиялаштиришда имтиёзли кредитнинг нақд пул шаклида берилмаслиги муаммо бўлмоқда. Таъминотчи орқали маҳсулот сотиб олинса, таннарни қимматлаб кетмоқда. Шу боис аҳоли маблағни нақд шаклда берилишини таклиф қилмоқда.

4-саҳифада.

## Танаффус қондаси қачондан кучга киради?

МЕНДА САВОЛ БОР...

Кетма-кет иккита мавсумни ҳисоблаш 2024 йил иккинчи мавсумдан бошланади. Яъни жорий йил иккинчи мавсумда ҳамда 2025 йил биринчи мавсумда кетма-кет икки марта ёлиб бўлган маҳалла 2025 йил иккинчи ва 2026 йил биринчи мавсумда қатнаша олмайди.

2-саҳифада.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

## “Оғриқли масала — бола пули ва моддий ёрдам билан боғлиқ”

Афсуски, аксарият оилалар ўзини тўқ бўлса-да, шу икки таъминотдан умидвор бўлишадн. Ана шундай оилаларни бирма-бир ўрганиб, инсонларни ишли қилдик. Хар икки маҳалламизда хунармадчиллик ва касаначилик яхши ривожланган. Шу боис бундай оила аъзоларини Моно-марказда касб-хунар ўрганишга йўналтирдик. “Устоз шогирд” аъёнасида мохир усталарга бириктирилди. Тадбиркорлик қилини истагиди бўлганларга кредит ажратилди. Айрим-ларни ўзини ўзи банд қилиб, ширинлик пехларни ташкил этди. Натигада 100 дан ортиқ шундай тоифадаги оиладан 57 та қолди.



7-саҳифада.





Президент Шавкат Мирзиёев ТАДБИРКОРЛАР КУНИ муносабати билан соҳа вакилларида бир гуруҳини мукофотлади.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг “ФАОЛ ТАДБИРКОР” кўрак нишони билан тақдирлаш тўғрисида”ги фармойиши қабул қилинди.



Президент СУНЬИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ва ИТ соҳасидаги стартап лойиҳалар бўйича тақдирот билан танишди.

Давом. Бошланиши 1-саҳифада.

СУХБАТ

# Иزلаниш илмга, ўрганиш тажрибага,

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси, снёсий фанлар доктори, “Маҳалла еттилиги” фаолиятига доир тавсиялар” рукни остида чош этилган мақолалар муаллифи Қаҳрамон Қуронбоев билан суҳбат



— Қаҳрамон Қўчқорович, газетамизнинг аввалги сонларида “Маҳалла еттилиги” фаолиятига доир тавсиялар” рукни асосидаги туркум мақолаларингизни чош этдик. Бу мақолалар маҳалла ходимлари ва кенг жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотгани сир эмас. Қолаверса, мазкур жараёнда ўзингиз бевосита ҳудудларга ташриф буюрдингиз, маҳалла ходимлари билан юзма-юз суҳбатлашдингиз. Шу ўринда айтингчи, “маҳалла еттилиги” фаолиятида яна қандай жиҳатларга эътибор қаратиш лозим, деб ҳисоблайсиз? Айниқса, жойларда “еттилик” вакиллари бугунги ўзгаришлар моҳиятидан қанчалик хабардор?

— Аввало, маҳалла фаоллари зиммасидаги мақсад ва вазифаларга шунчаки эришиб бўлмаслигини, бу мураккаб ва ўта масъулияти юмуш эканлигини таъкидлаб ўтмоқчи эдим. Бунинг учун ҳар бир ходим сидқидилдан меҳнат қилиши, ўз ишига виждонан ёндашиши, ёрдамга муҳтожларнинг муаммосини ўзиники каби билиши, ўз танасидан ўтказиши керак. Буни ҳар бир “еттилик” ходимига тушунтириш, керак бўлса, онги ва қалбига сингдириш мақсадида сўнгги бир ярим ой давомида “Mahalla” газетаси орқали “Маҳалла еттилиги” фаолиятига доир тавсиялар” рукни остида туркум мақолалар эълон қилдик. Ходимларнинг ўзига юклатилган вазифасидан тортиб, одамлар талаб қилаётган, зарурат сезаётган жиҳатларга эътибор қаратиши лозимлигини ўқтирдик.

Шу билан бирга, маҳаллаларни бевосита жойига чиқиб ўрганиш жараёнида “еттилик” вакиллари билан суҳбатлашдик, муаммоларини тингладик. Умумий қилиб айтганда, уларнинг дунёқарашида, фикрлашида, иш фаолиятида ўзгаришлар йўқ эмас. Бугун аксарият маҳалла фаоллари зиммасидаги вазифаларни теран англаб етаяпти. Аҳолининг дарду ташвишларини ўйлаб, туну кун тиним билмай ишлаётган, улар розилиги йўлида сидқидилдан

меҳнат қилиб, ташаббус кўрсатаётган ходимларни кўриб, очиги, Президент ишончи ўз сўзи ва аҳдига қатъий инсонлар қўлида эканлигига амин бўлдим.

Мисол учун, яқинда ўзим Булунғур туманидаги “Олмазор” маҳалласини бориб кўрдим, аҳоли билан суҳбатлашдим. Одамлар маҳалла тизимидан, унинг ходимларидан миннатдор, ўзгаришлардан мамнун. Аҳоли эҳтиёжларидан келиб чиқиб, йиғин биноси намунали тарзда — кўп тармоқли шаклда қуриляпти. Қисқа фурсатда унинг ертўласида соғломлаштириш маркази, 1-қаватда маҳалла ходимлари фаолияти учун хоналар, 2-қаватда тикувчилик корхонаси ва 3-қаватда ахборот технологиялари маркази иш бошлайди.

Албатта, ютуқлар ўзимизники, аммо камчиликлар билан зарра мурося қилиб бўлмайдиган даврда яшаямиз. Аниқроқ айтганда, тизим фаолиятига соя соладиган нуқсонларни ўзимиз тўғриласак, четдан биров келиб кўмак бермайди.

Ўрганишлар давомида айрим ҳудудларда ташаббускорлик, раҳбарларда талабчанлик етишмаётгани кузатилди. “Еттилик”қа зарур шароит яратилаётган бўлса-да, бундан тўғри ва мақсадли фойдаланилмаётгани, аҳоли бундан хабарсиз қолаётгани оғриқли ҳолатдир.

Энг катта муаммо — айрим жойларда “маҳалла еттилиги”га масбул бўлган раҳбарлар ҳамда “еттилик” аъзолари ўртасида ҳамкорлик оқсаяпти. Оқибатда бугунги кунга қадар аҳоли муаммолари маҳалланинг ўзида ҳал қилинадиган, маҳаллани ишсизлик, камбағаллик, жиноятчилик, оилавий ажралиш, миграциядан холи ҳудудга айлантирадиган тизим барча йиғинларда бирдек йўлга қўйилмаяпти.

Тизимга оид ҳужжатлар, мисол учун, “Омбор китоби”, Бандлик дастури, ҳар бир ходимнинг иш режалари аниқ белгилаб берилган бўлса-да, афсуски, айрим маҳаллаларга шахсан ўзим бориб кўрдимки, уларнинг баъзилари фуқаролар йиғинига етиб бормаган, “еттилик” аъзолари хизмат вазифасидан беҳабар. Баъзи ҳудуд раҳбарлари на маҳаллага борган, на “еттилик” аъзолари билан гаплашган ва на аҳоли билан мулоқот қилган. Ўз вазифасига бундай муносабат вақти аллақачон ўтиб бўлган-ку?

Демак, бундай салбий ҳолатлар устида ишлаш, раҳбарлар масъулиятини ошириш, уларнинг жавобгарлигини кучайтириш зарурати бор. Шу мақсадда Бўстонлик туманида 208 та туман (шаҳар) бўлимлари раҳбарлари ва бош ҳисобчилари учун ўқув-семинар ташкил этдик. Мақсад — маҳаллада ишни тўғри йўлга қўйиш, аҳоли муурожаатлари билан манзили ишлаш, ўзгаришларнинг энг олис қишлоқларга етиб боришини таъминлашдир.

Ўқув-семинар давомида “еттилик”нинг юқори турувчи ташкилотлари — Ички ишлар вазирлиги, Ижтимоий

Аҳолининг дарду ташвишларини ўйлаб, туну кун тиним билмай ишлаётган, улар розилиги йўлида сидқидилдан меҳнат қилиб, ташаббус кўрсатаётган ходимларни кўриб, очиги, Президент ишончи ўз сўзи ва аҳдига қатъий инсонлар қўлида эканлигига амин бўлдим.



ҳимоя миллий агентлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Тадбиркорликни ривожлантириш ва маҳаллабай ишлаш агентлиги, Солиқ қўмитаси вакилларини жалб этиб, тизим раҳбарларини ўқитдик, билмаганини тушунтирдик. Керак бўлса, масъуларни уларга бириктириб қўйдик.

Ўзим ҳам улар билан мулоқотда бўлдим, фикрларини тингладим. Англадимки, биринчи навбатда, маҳаллий раҳбарларнинг онгини, дунёқарашини, ишга бўлган муносабатини ўзгариштириш керак. Ўзибўларчилик, бефарқлик қайфиятига барҳам бериш зарур. Қолаверса, уларнинг билимини ошириб бориш лозимлиги аён бўлди. Ахир ўзингиз ўйланг, туман бўлими раҳбари ўзи бошчилик қилаётган тузилма вакилларининг вазифаларини билмаса, уларга тўғри йўналиш бера олмаса, ишда самарадорлик сезиладими? Худди шундай, уларда ташаббускорлик, талабчанлик ҳислатларини ҳам ошириш лозим. Раҳбар қанчалик масъулиятли бўлса, ходимлар ҳам ундан намуна олади.

— Ислохотлар пухта ўйланган ва кенг қўламлилик касб этса, энг олис қишлоқларга кириб борса ва одамлар бу ўзгаришларни ўз ҳаёти мисолида ҳар кун кўриб, ҳис этиб яшаса, натижа беради. Тажрибали раҳбар сифатида бу жараёнларда Уюшманинг худудий бошқармалари ва маҳаллий бўлимлари раҳбарларининг ўрни қандай бўлиши керак, деб ҳисоблайсиз?

— Бугунги давр биздан фақат амалий ишларни талаб қилмоқда. Идорада ўтириб кунни ўтказадиган, эртани кечга улаш билан овора бўлган раҳбарларга

сафимизда мутлақо ўрин йўқ. Ҳозир “бўйинбоғни ечиб”, ишлайдиган, халқона тилда айтганда, тепадан паства тушадиган пайт. Ҳар гал қайсидир вилоят ёки туманга борсам, албатта, худуд раҳбарларига бунни ўқтираман.

Аслида, халққа сидқидилдан хизмат қилиш ва шу орқали обрў-эътибор орттиришдек улуғ бахт ҳаммага ҳам насиб қилавермайди. Бунга жонқуяр, ташаббускор, ташкилотчи, ўз ишига масъулият билан ёндашиш, халқ хизматини бурч, деб билиш орқали эришилади. Уюшма тизимидаги раҳбарларда ана шу сифатларни кўрганмикки, вилоят ёки туман (шаҳар) раҳбарлиги ишониб топширилган.

Раҳбарлик — оғир ва масъулиятли вазифа. Худуддаги ишлар самарадорлиги раҳбарнинг тафаккури ва ақл-идрокига бевосита боғлиқ. Ундаги ўзига хос талабчанлик, меҳрибонлик ва масъулият жамоа аъзоларида жавобгарлик ҳиссининг шаклланишига сабаб бўлади. Раҳбар ҳар ишда, дейлик, оддий меҳнат интизомидан тортиб, берилган вазифалар ижросига масъулиликни, жавобгарликни қандай уддалашига ҳам ходимларига намуна бўлиши зарур.

Маҳалла иши бир кишига боғлиқ жараён эмас. Ҳар ким ҳам бу тизимда ишлаш олмайдди. Бир жиҳат доимо ёдимизда туриши керак: “еттилик” етти томонга тортса, ишда унум ва барака, самара бўлмайди. Демак, бу ўринда ҳар бир ходимнинг тизимли ишлашини таъминлаш, уларнинг ишини мувофиқлаштириб бориш зиммасига катта масъулият юклайди. Маҳаллани жамоатчилик бошқаруви ва назоратининг таянч бўғинига айлантиришда бугун биздан катта меҳнат ва жасорат талаб қилинапти. Бун тўғри англаган ҳолда

ишласак, бошқаларга ўқтира олсак, бу ютуқларимиз омилига айланади.

Маҳалладаги ҳар бир фуқаро ўзи ва оиласининг келажаги, молиявий аҳволи ва фаровонлигини таъминлашда масъулиятни сезиши, боқимандаликка ўрганмаслиги керак. Бу жиҳат ҳам бизга катта қажирлик: худудларда тўғри ва аниқ йўналтирилган тарғиботлар орқали бун иш хал этиш мумкин. Худди шундай, маҳалла ободлигини ташқаридан биров келиб бажармайди. Бунга ўша ҳудудда яшовчи одамлар бевосита масъул. Бун уларга тўғри тушунтира билиш керак, ҳар ким ўз уйи ва кўчасини озода сақласа, маҳалла ҳам обод бўшага айланади.

Мен бундай ёндашуви Қарши туманидаги “Қаҳлак” маҳалласи мисолида кўрдим. Йиғиннинг ёшлар ва миграциядан қайтганлар билан ишлаш тажрибаси катта таассурот қолдирди. Маҳалладаги ҳар бир ходим бу жараёнда бефарқ эмас, ҳар қайси масалага “сеники, меники” деган қарашдан йироқ бўлиб ёндашади. Шундай ҳамкорлик натижасида 20 нафар ишсиз, миграциядан қайтган ёшларга 50 сотихдан, жами 10 гектар ер бўлиб берилган. Айни пайтда эскирган маҳсулотлар ҳосилидан ёшлар катта даромад олишмоқда.

— Уюшманинг 208 та туман (шаҳар) бўлими раҳбарлари бевосита “маҳалла еттилиги”нинг, йиғин раисининг доимий кўмакчиси. Юқорида қайд этганингиздек, афсуски, жойларда намунали маҳаллалар билан бирга, жиноятчилик, оилавий ажралишлар, ишсизлик ортган ёки қаймамаган йиғинлар ҳам топилади. Айтингчи, бундай маҳалла фаоллари билан ишлашда бўлим раҳбарлари қандай йўл тутиши керак?

Ҳусниддин БОЗОРОВ,

Дехқонобод туманидаги “Оқиртма” маҳалласи раиси:

— “Ташаббуси бюджет” лойиҳасида кетма-кет уч мавсумдан буён қолиб бўляпмиз. Яқинда жорий йилги иккинчи мавсумга старт берилади. Бироқ бизни бир масала ўйлантириб турибди: Сенат қарори билан киритилган ўзгаришларга кўра, эндиликда кетма-кет қолиб бўлган маҳаллаларга тақлиф киритиш бўйича чеклов белгиланди. Айтингчи, бу танаффус қачондан бошлаб кучга қиради?

## Танаффус қоидаси қачондан кучга қиради?

Малика РАҲИМОВА, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги масъул ходими:

— Дарҳақиқат, Олий Мажлис Сенати қарорига асосан, барча маҳаллалар учун қолиб бўлиш имкониятини яратиш мақсадида “Ташаббуси бюджет” доирасида сўнгги мавсумларда кетма-кет икки маротаба қолиб деб топилган маҳаллалар учун навбатдаги иккита мавсум доирасида танаффус эълон қилинади (яъни ушбу маҳаллалар учун лойиҳа киритиш имконияти чекланади).

Айтиш керакки, танаффус ҳақидаги қоида аввал ютганларга тааллуқли бўлмайди. Кет-



ма-кет иккита мавсумни ҳисоблаш 2024 йил иккинчи мавсумдан бошланади. Яъни жорий йил иккинчи мавсумда ҳамда 2025 йил биринчи мавсумда кетма-кет икки марта қолиб бўлган маҳал-

ла 2025 йил иккинчи ва 2026 йил биринчи мавсумда қатнаша олмайдди. Бошқача айтганда, ҳозиргача ўтган мавсумлардаги қолибларга ҳеч қанақа чеклов ёки танаффус қўлланилмайди.

МЕНДА САВОЛ БОР...

## Ютуқлар қувонарли, аммо камчиликлар-чи?

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси вакиллари Бухоро вилоятининг туман ва шаҳарларида ўрганишлар олиб боришти. Жараёнда “маҳалла еттилиги” учун ўқув-семинарлар ташкил этиляпти.

Бухоро шаҳридаги “Шайх-ул Олам” маҳалласидаги ўрганишларда “еттилик” фаолияти кўздан кечирилди. Унда қўлга киритилган ютуқлар билан бирга, йўл қўйилган хато ва камчиликлар кўрсатиб ўтилди, уларни тузатиш бўйича тушунчалар берилди. Маҳаллада аҳоли муурожаатлари билан ишлаш самарадорлигини ошириш зарурлиги таъкидланди. Вобқент туманидаги “Қосари” маҳалласида ташкил этилган “Маҳалла сервис компанияси” фаолияти ўрганилди. Масъуллар компания аҳоли учун қўлай жойда жойлашган бўлиши, хизмат кўрсатиш юқори даражада таш-



кил этилиши кераклигини таъкидлаб ўтишди. Тадбиркорлар билан мулоқотда берилган имтиёзлар ва имкониятлар ҳақида тушунтириш берилди.

Ғиждувон ва Қорақўл туманларида “маҳалла еттилиги” ходимлари учун ўқув-семинар ташкил этилди. Унда “еттилик” олдида турган асосий вазифалар ҳақида сўз юритилди. Эҳтиёж-

манд аҳолини рўйхатга киритиш, моддий ёрдам, субсидия ва кредит ажратиш каби 70 дан ортиқ масалалар маҳалланинг ўзида ҳал қилинаётгани, “еттилик” ишини мувофиқлаштиришда маҳалла раисларининг ваколатлари кенгайтирилгани қайд этилди. Семинар давомида иштирокчилар қизиқтирган саволларига атрофича жавоблар олди.

ЖАРАЁН





Давлатимиз раҳбари туманларни иқтисодий ривожлантириш, муқобил энергия манбаларини жорий этиш бўйича ВИДЕОСЕЛЕКТОР ЙИГИЛИШИ ўтказди.



Президент қарорига асосан, юқори тезликда ҳаракатланувчи 6 ТА ЭЛЕКТРОПОЕЗД харид қилинади.



Президент фармонига кўра, пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эъазига молиялаш (ФАКТОРИНГ) фаолияти тизими йўлга қўйилади.

СУХБАТ

# ИНТИЛИШ ТАШАББУСГА ЕТАКЛАЙДИ

— Маҳалла шундай масканки, ҳудуддаги ҳар бир жараён, ҳоҳ у салбий, ҳоҳ у ижобий бўлсин, маҳалла билан бевосита боғлиқ бўлаверади. Дейлик, жиноятчилик ортяптими, демак, ҳудудда нимадир нотўғри йўлга қўйилган, ишсизлик кўпми, масъуллар ўз ишига масъулият билан ёндашмаяпти, берилган имтиёزلардан ҳамма фойдалана олмаёпти. Маҳалла ишини аниқ бир мезон билан чегаралаб бўлмаганидек, маҳалладаги ислохотларга қайсидир аниқ муаммони тушов сифатида кўрсатиб бўлмайди. **Ҳар бир муаммонинг ечими муҳим, ҳар қандай масаланинг жавобини топиш зарур.**

Бу ўринда, албатта, раҳбар киши, маҳалла раиси масъулиятни зиммасига ола билиши лозим. Биринчи навбатда, юқорида санаб ўтилган ҳолатлар мавжуд маҳаллалар танлаб олиниб, керак бўлса, улар билан манзилли ва аниқ чора-тадбирларни белгилаб олиш керак. “Маҳалла еттилиги” таркибида ҳар қайси соҳага масъул аъзолар борки, уларни бир мақсад сари йўналтира олиш муҳим. **“Муаммони бартараф этиш, олдини олиш учун нима қилиш керак?”**, деган савол ўртага қўйиlsa, айтаманки, энг аввало, “еттилик” аъзолари фаол бўлиши зарур, ҳар қандай масалада ўз фикри, ёндашуви, таклифни билдирга олиши керак. “Еттилик” вакиллари соғлом ижтимоий муҳит яратишга дахлдорлик туйғуси билан ёндашса, одамларни ҳам шунга ундай олса, масъулият юкини ҳар қадамда ҳис этса, бундай маҳаллада муаммолар йиғилиб қолмайди. Бўлим раҳбарларининг биринчи галдаги вазифаси мана шу “олтин халқ” — “еттилик” вакилларини бир мақсад йўлида сафарбар эта олишдир.

**Раҳбар киши одамларни тинглай олиши керак.** Мурожаат эгаси ёш бўладими, нуроний ёки ўрта авлод вакилими, ҳар бирининг фикрини, сўзини, дардини эшитиш лозим. Одамларнинг муаммосини ўз муаммониз каби кўрмасак, ўзимизни улар ўрнига қўя олмасак, масаланинг таг замирига етолмаймиз. Маҳаллага кўмак сўраб келган киши эшикдан умидсиз қайтмаслиги, дардига малҳам топиши, керак бўлса, маҳалла ходимларига миннатдорлик билдириб қайтиши зарур. Шундагина тизимга нисбатан ишонч уйғонади.

**Энг ёмон иллат — лоқайдлик.** Масъул раҳбарлар ва “маҳалла еттилиги” аъзоси нафақат бундан йироқ бўлиши, балки маҳалладошларини ҳам бу иллатдан узоқ тутиши керак. Лоқайдлик бор жойда тараққиёт, олдинга интилиш бўлмайди. Демак, узоқ-яқин хориж мамлакатлари, ён-атрофимизда кузатилаётган воқеалардан ҳар томонлама сергак, хушёр ва огоҳ бўлиш талаб этилади.

Раҳбар киши бу ўринда кўпроқ ёшларни тинглаши, хонадонларга кириб бориб, керак бўлса, низоли оилалар билан ишлашга ҳудуддаги бошқа намунали маҳаллалар фаолларини жалб қилиши зарур. Худди шундай, бандлик масаласига жиддий қараш керакки, оилалар тинчилиги, хотиржамлиги том маънода шу омилга боғлиқ бўлиб қоляпти.

**Орамизда аёл раҳбарлар ҳам бор.** Бир пайтлар аёл кишининг раҳбар бўлиши истисно сифатида қабул қилинган бўлса, бугун ҳаётий заруратга айланди. Зотан, аёл кишининг бошқарув услуги хотиржамроқ, мувозанатлироқ,



Аёл кишининг бошқарув услуги хотиржамроқ, мувозанатлироқ, юмшоқроқдир. Ўз ишида қатъиятлилиқ, сабр-тоқат ва ҳар қандай масалани охирига етказиш қобилияти — етакчи аёлнинг муваффақият калитидир.

юмшоқроқдир. Ўз ишида қатъиятлилиқ, сабр-тоқат ва ҳар қандай масалани охирига етказиш қобилияти — етакчи аёлнинг муваффақият калитидир. Аёл киши раҳбар бўлган жамоада масъулият ва кичик масалаларгача эътибор қаратиш бирламчи омил. Бу жиҳат, айниқса, биз фаолият юритаётган маҳалла тизимида энг керакли хусусият. Шундай экан, аёл раҳбарларимиз ўзига бўлган ишончни сўндирмасдан янада шижоат ва шарқона латофат билан фидойилик кўрсатишлари керак.

**— Келинг, шу ўринда тизимдаги айрим жараёнларга тўхталиб ўтсак. Бугун ижтимоий ёрдам ва хизматлар маҳалла даражасида кўрсатилаётган экан, бу вазиятда инсон омилига барҳам бериш, маҳаллани рақамлаштиришга зарурат туғилади. Шундай эмасми?**

— Тўғри таъкидладигангиз, айни пайтда ижтимоий ёрдам ва субсидиялар “маҳалла” еттилиги”нинг коллегиал қарори асосида берилляпти. Яъни “еттилик” ўзи мустақил қарор қабул қилляпти ҳамда ушбу қарорлар учун аҳоли олдида жавобгар.

Ёрдамнинг манзиллилиги, шаффофлигини таъминлашда инсон омилини имкон қадар чекладик. Гап шундаки, шу вақтгача ҳоқим ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли ва ёшлар етакчиси алоҳида юритаётган тарқоқ платформалар ўрнига **“Рақамли маҳалла”** ягона электрон платформаси ишга туширилди. Унда “Темир дафтар”, “Ёшлар дафтари” ва “Аёллар дафтари” асосида кўрсатилган ёрдамлар ҳақиқатда муҳтожларга етиб борганини кузатиш имконияти бор.

Шу билан бирга, “Маҳалла баланси” орқали кўрсатилаётган ёрдам қўлами ва манзиллилигини ўрганиш, “еттилик” фаолиятига баҳо бериш мумкин. Яқиндан бошлаб **Ягона саволнома** асосида фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини бирламчи ўрганиш ва ҳал этиш чоралари “Рақамли маҳалла” платформасида акс эта бошлайди.

**— Суҳбатимиз ўз-ўзидан маҳалла даражасида аҳолига турли хизматларни кўрсатиш масаласига бориб тақалляпти. Айтингчи, йиғинларда “Маҳалла сервис компанияси”ни ташкил этиш тажрибасини аҳоли қандай кутиб оляпти?**

— Президент қарорига асосан, **208 та маҳаллада (ҳар бир туман ва шаҳар кесимида биттадан)** сервис компанияларини ташкил этиш белгиланди. Бу жараёнда тадбиркорларга **солиқ имтиёзлари** берилгани, **бепул бино ва асбоб-ускуналар** билан таъминланиши кўпчилиқда қизиқиш уйғотди. Биргина компания ходимлари **шу маҳаллада яшовчи** ишсиз фуқаролар орасидан танланиши аксарият юртдошларимизга манзур бўляпти.

Ҳақли савол туғилади: бизга бундай компаниялар нега керак бўлди? Тушунтираман. Шаҳар миқёсида бошқарув компаниялари тажрибаси ўзини оқлади, дедик. Бироқ ҳовли уйлар жойлашган **6 400 дан зиёд** маҳаллада ободонлаштириш, одамларга хизмат кўрсатиш тизими мавжуд эмас эди. Ваҳоланки, қишлоқларда, ҳовлили маҳаллаларда яшаётган аҳоли вакиллари ҳам сифатли хизматлар билан таъминланишга ҳақли.

**Эндиликда маҳалланинг ободлигига масъул тузилма шаклланди.** Узоққа бормайлик, яқин йилларгача йиғинлардаги манзара кўпчилиқда савол уйғотарди. Экилган кўчатлар қаровсизлиқдан нобуд бўлар, ариқ ва кўча бўйлари эътибордан четда эди. Чиқиндини олиб чиқиб кетишнинг ўзи бир бoш оғриғи эди. Энди бундай ҳолатлар кўзга ташланмайди.

Яқинда Бўстонлик туманида маҳалла сервис компанияларини ташкил этаётган тадбиркорлар билан учрашдик, уларнинг фикрлари, муаммо ва тақлифларини тингладик. Биласизми, улар орасида бу ишга шунчаки манфаатдорлик учун эмас, айнан маҳалласининг ободлиги, қишлоқ аҳолиси ҳам шаҳардагидек қулайликларда яшашига замин яратиш

мақсадида қўл урганлари бор. Бу бизни, албатта, қувонтиради. Шундай фидойи, маҳалласи ривожни йўлида хизмат қилишни истаганлар бор экан, тизимдаги ўзгаришлар бесамар кетмайди.

Семинарда айтдикки, маҳалла сервис компанияларига халқимиз умид кўзи билан қараб турибди. Маҳалладаги ободлик, тозалик, тартиб ва баракани айнан у орқали кўряпти. Бу ўринда тадбиркорлар ишни йўлга қўйишда маҳалланинг имкониятларини ҳисобга олиши зарур. Шу ерда яшовчи ишсиз шахсларни компанияга жалб этиш керак. Солиқ имтиёзларидан самарали фойдаланиш, ходимларга даромад солиғи бўйича берилган энгилликларни тўғри тушунтириш зарурати бор. Хизматлар сифатига биринчи ўринда эътибор қаратиб, ҳудуд йўналишидан келиб чиқиб, уларни кенгайтириб бориш мумкин. Энг муҳими, **мақсад ягона — одамлар розилигига эришиш шарт!**

Насиб этса, келгуси йил давомида барча маҳаллада сервис компаниялари ишга туширилади. Бу борада хитойлик ҳамкорлар бизга ўз тажрибаси билан кўмаклашишга тайёр. Хусусан, улар Тошкент ва Жиззах вилоятларида намунавий маҳалла сервис компанияларини ташкил этишди. Хитойнинг соҳага оид замонавий ускуналари билан компаниялар моддий техника базаси мустаҳкамланади. Энг асосийси, компаниялар ходимлари учун мазкур мамлакатда малака ошириш ўқувлари ва амалиётини ташкил этиш кўзда тутилган.

**— Ватанимиз Мустақиллигининг 33 йиллик байрами арафасида турибмиз. Бундай пайтда ҳар гал ортга назар ташлаб, ўтган умримиз, истиқлол, хурлик тақдим этган неъматларни ёдга оламиз. Шукроналик, дахлдорлик, эртанги кунга ишонч туйғуларини ҳис этамиз. Шундай эмасми?**

— Ўттиз уч йил аслида асрларни қаритган тарих учун бир лаҳзали муддатга тенг. Бироқ ана шу йиллар халқимиз учун нечоғли муҳим аҳамиятга эга бўлганини бугун ҳар биримиз юракдан теран ҳис

этиб турибмиз. Шу давр мобайнида янги авлод камолга етди. Энг муҳими, ҳаётининг маъно-мазмуни, мақсад-муддаоси ва онгу дунёқараши тубдан ўзгарган юртдошларимизни мустақилликни янада мустаҳкамлаш, тинчлик ва осойишталикни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, жонажон Ўзбекистонимизнинг жаҳондаги обрў-эътибори ва нуфузини тобора юксалтиришдек эзгу мақсадлар бирлаштирган.

Бугун фуқароларда янгича фикрлаш, ишлаш шаклланиб, ислохотларга дахлдорлик ҳисси ошляпти. Энг муҳими, боқимандалик кайфияти ўрнини тадбиркорлик, ишбилармонлик, яратувчанлик руҳи эгаллади. Ҳар бир юртдошимиз ўз ҳаётини яхши томонга ўзгартиришга, фаровон яашагга интилламқда. **Табиийки, халқимиз ҳаёти фаровон экан, мамлакатимиз қудрати ҳам юксалиб бораверади.**

Бу жараёнларда ўзига хос ноёб тузилма — ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳам ўрни борлиги, **маҳалланинг ислохотлар марказида тургани ва одамларни ҳаракатлантирувчи кучга айланиши** бизни қувонтиради, албатта.

Истиқлол байрами арафасида Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси одамларга шукроналик туйғусини яна бир қарра англатиш мақсадида қатор лойиҳаларни амалга ошириляпти. Хусусан, **“Мустақиллигимизнинг 33 йиллигига 33 та лойиҳа танлови”** орқали маҳаллаларни фаолликка, ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида асосий куч сифатида майдонга чиқишига қақирдик. Қолаверса, ҳамкор ташкилотлар билан бирга “Бир бўлсак — ягона халқимиз, бирлашсак — Ватанмиз!” шиори остида маҳаллаларда **“Маданий фестивали”** ташкил этилди.

**“Маҳалла каровни”** лойиҳаси орқали олис маҳаллаларга маънавиятни, маданиятни олиб киришга ҳаракат қилляммиз. Унинг доирасида турли лойиҳалар, хусусан, китобхонлик, шеърят танловлари, спорт мусобақалари, интеллектуал ўйинлар, концерт дастурлари уюштириляпти. **“Май — маданий-маърифий тадбирлар ойлиги”** доирасида 9 452 та маҳалланинг барчасида тарғибот тадбирлари ўтказилди.

Умуман олганда, юқоридаги тадбирларнинг барчасида Мустақиллик инъом этган имкониятлар, шарт-шароитлар ёшларга тушунтириляпти. Бу жараёнда тадбирлар шунчаки тарғибот шаклида ташкил этилмаляпти, аксинча ҳар бирида маҳалла ёшларининг иштирокини таъминлашга, ижтимоий фаоллигини оширишга интиляммиз. Кеса авлод вакиллари тажрибасидан фойдаланяпмиз.

Шу ўринда азиз маҳалладошларимизга айтмоқчи эдимки, фарзандларимизга истиклолнинг асл моҳиятини тушунтиришдан тўхтамайлик, ҳар бири юрт тақдирига дахлдор яшаш кераклигини англатайлик, мамлакат келажаги, Ватанимизнинг эртанги кунини уларнинг қўлида эканини уқтайлик. Зеро, сизу биз умр кечираётган шу замин, аждодларимиз хоки-пойи ётган шу тупроқ, авлодлар орзуси ушаладиган шу Ватан келажаги фақат ва фақат уларнинг бугунги интилиши, билими ва иқтидорига боғлиқ.

— Мазмуни суҳбатингиз учун ташаккур!

Бахтиёр АБДУСАТТОВ  
суҳбатлашди.

.....

## Ойлик ошди, шартнома ва жарималар-чи?

Президентнинг 2024 йил 12 августдаги “Иш ҳақи, пенсиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида”ги фармони қабул қилинди. Фармонга кўра, 2024 йил 1 сентябрдан пенсиялар ва нафақалар миқдори — 15 фоизга, 2024 йил 1 октябрдан бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи миқдори — 10 фоизга, айрим тоифалариники (таълим ва тиббиёт ходимлари) 15 фоизга оширилади.

**Натижада:**  
• пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори — **ойига 428 000 сўм** (ҳозирда 372 000 сўм);  
• ёшга доир энг кам пенсия миқдори — **ойига 834 000 сўм** (ҳозирда 725 000 сўм);  
• ногиронлик пенсияларининг энг кам миқдори — **ойига 920 000 сўм** (ҳозирда 800 000 сўм);  
• меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқдори — **ойига 1 155 000 сўм** (ҳозирда 1 050 000 сўм);  
• базавий ҳисоблаш миқдори — **375 000 сўм** (ҳозирда 340 000 сўм) этиб белгиланди.



**Жарималар ошадими?** Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга асосан, ҳисоб-китоблар базавий ҳисоблаш миқдори(БХМ) га нисбатлаб амалга оширилади. Шунга кўра, 1 октябрдан маъмурий жарималар, солиқлар, давлат божлари ва шу каби бошқа тўловлар миқдори ҳам мутаносиб равишда ошади. **Айтайлик, автотомобилни хавфсизлик камарини тақмаган ҳолда бошқариш — 187 500 сўм (ҳозирда 170 000 сўм), “қизил”да ўтиш — 750 000 сўм, тезлик (+20 км/соатдан 40+ км/**


**соатгача) — 375 000 сўмдан 3 375 000 сўмгача, наст ҳолатда машина бошқариш — 9 375 000 минг сўмга ўзагарди.**

**Стипендияга таъсири борми?** 1 сентябрдан пенсия ва нафақалар (МҲТЭКМ) 1 155 000 сўм этиб белгилангани туфайли сафарбарлик қақирув резерви (халқ тилида “бир ойлик армия”) тўлов бадали ҳам ўзгаради. Ушбу бадал миқдори МҲТЭКМнинг 7 баробарига тенг. Шунга кўра, хизмат учун тўлов миқдори ҳозирги 7 350 000 сўмдан 8 850 000 минг сўмга оширилади.

ҲОЛАТ

ҚУЛАЙЛИК

## Ер майдони онлайн тарзда ижарага берилади



Тошкентда маҳалла-лардаги ер участкалари сотилган ва ижарага бериладиган “projects.toshkentinvest.uz” платформаси ишга тушди.

“Projects.toshkentinvest.uz” сайти — “E-auction” тизими билан интеграциялашган аукцион тамойилидаги платформа ҳисобланади. Унда тадбиркорлик ва шаҳарсозлик

фаолияти учун 110 дан ортқ ер участкалари акс эттирилган. Объектларни сотиш ёки ижарага беришдан олдинган барча маблағлар маҳалла ва тумани ривожлантириш жамғармалари-га йўналтирилади.

Бундай объектларни сотиб олиш тадбиркорга масъулият юклайди ва натижада аҳоли фаровонлигига хизмат қилади: янги иш ўринлари яратилади, инфра-тузилма яхшиланади, ижтимоий-иқтисодий самара беради.





Сервис жойларини сотиб олиш учун алоҳида кредит тури – “ХИЗМАТ ИПОТЕКАСИ” йўлга қўйилади.



Янги қонунга кўра, юридик шахс мақомига эга бўлмаган КАСАБА УЮШМАЛАРИ ташкилотлари ҳисобга қўйилади.



БМТ Бош Ассамблеяси барқарор ўрмонзорларни барпо этиш бўйича Ўзбекистон ташаббусини БИР ОВОЗДАН қўллаб-қувватлади.

ТОМОРҚА МАКТАБИ

## Иссиқхона намлиги қандай бўлади?

Қўллаб хонадонларда иссиқхона бор. Лекин ҳамма ҳам ундан самарали фойдаланиш тартибини билмайди. Масалан, намликни тўғри бошқара билмаслик ҳосил унумдорлинига салбий таъсир этади. Миқдор ортиб кетиши сабабли ўсимлик яхши ривожланмайди. Айниқса, тупроқ қатлами топқа бўлган иссиқхонада намлик ҳаддан ташқари тез бўлганади. Шунинг учун уларда меёёрини таъминлаб туриш муҳим аҳамиятга эга.

Умиджон БАХРОНОВ.

Тупроқнинг нисбий намлиги тўла нам сифимнинг 70 фоизи атрофида бўлиши талаб қилинади. Ўсимликнинг турига, ёшига ҳамда ривожланиш фазасига қараб, 60 фоиздан 80-90 фоизгача ўзгариб туриши мумкин.

Барра пиез, қарам кўчати ва мева тугиш даврига келган бодринг экини намга талабчан бўлади. Бундай ерда тупроқ ва ҳаво намлигини мувозанатлаштириб туриш ўсимликларнинг ўсиши, мева тугишининг жадаллашувига ёрдам беради. Аммо даража юқори бўлса, вегетатив органлари ўсишини



кучайтиради, гуллаш ва мева тугишини сусайтириб қўяди.

Помидор етиштирилаётган иссиқхонада ҳавонинг нисбий намлигини 60-70 фоиз сақлаб туриш керак. Бодринг намталаб ўсимлик бўлгани учун ёппасига ҳосилга кирган даврда суғоришдан олдинги тупроқ намлиги чегараланган дала нам сифимига нисбатан 85-90 фоиз, ҳавонинг нисбий намлиги 75-80 фоиздан кам бўлмаслиги лозим.

## Олма ва нокда қўтир касаллиги

у қандай ривожланади, кураш чоралари мавжудми?

Мева дарахти бу касалликка чалинганда аввало барглари, мевалар, повдалар, барг бандлари, мева банди, гулкоса баргга зарарланади. Кўпроқ катта ёшдаги ва қалнин экинган дарахтлар жабр кўради.

Касалликнинг дастлабки белгиси — гул япроқлари ёппасига тўкила бошлайди. Баргларда юмалоқ қўнғир доғ духобасимон тўқ яшил ғўбор билан қопланган бўлади.

Бу ғўбор олма баргининг устида, нокнинг остида кўринади. Касалланган барг қуриydi ва тўкилиб кетади. Мевада қора ёки қулранг қора доғ пайдо бўлиб, кейинчалик ёрилишига ва қийшиқ ўсишига сабабчи бўлади.

Замбуруғлар қишлаб чиққан барглари касалликнинг тарқалиш манбаи ҳисобланади. Улар баъзан шохларда қишлаб қолади. Ривожланиши учун энг қулай ҳарорат 18-20 даража бўлса-да, уруғлар 20-30 даражада ўса олади.

Уруғ шамол ва ёмғир томчилари орқали тарқалади. Об-ҳавонинг келишига қараб, тарқалиш даври 60 кунгача чўзилади. Касалликнинг яширин даври 8-12 кун давом этиши мумкин. Ёз мобайнида замбуруғ 8-10 авлод беради.



Меёёрида суғориш, зарарланган шохларни кесиш, қузда тўкилган барглари қуқур кўмиш, барг тўкилишидан сўнг ва баҳорда қуртак ёзишдан олдин 1 даражали оҳан-олтингурут қайнатмаси пуркаш самарали кураш чораси ҳисобланади.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Зубайда ГУЛМИРЗАЕВА.  
Янгийўл туманидаги “Гулистон” маҳалласи:  
— Ўзимни ўзим банд қилганман. Фаолиятимни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 33 миллион имтиёзли кредит олганман. Яна ариза берсам, ҳеч қандай шартномасиз маблағ олишим мумкинлигини айтишди. Бу қандай кредит тури?

## Қандай кредит револьвер асосида берилади?



Исломжон АБДУРАҲМОНОВ,  
“Мадад” НТТ ижрочи директори ўринбосари:  
— “Оилавий тадбиркорлиқни ривожлантириш дастурлари доирасида аҳолининг бизнес ташаббусларини молиялаштиришни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарори билан ўзини ўзи банд қилган аҳолига бизнес ташаббусларини молиялаштириш учун кредит берилиши белгиланган.

Қарорга кўра, 2024 йил 1 апрелдан 2024 йилда оилавий тадбиркорлиқни ривожлантириш дастурлари доирасида кредит ўзини ўзи банд қилган, бироқ асосий иш жойига эга бўлмаган шахсларга 33 миллион сўмгача, бир йилдан сўнг ушбу қарз олувчининг тадбиркорлик фаолияти самарадорлиги, қарзнинг мақсадли ишлатилганлиги ҳамда заруратга қараб гуруҳ қафиллиги (қамида 3 нафар фуқаро) билан қўшимча 50 млн. сўмгача револьвер асосида тикланиб турадиган кредит ажратилади.

Револьвер асосда дегани, бир муддатга олинган аввалги кредит қайтарилганидан кейин ўша шартномага кўра, қўшимча талабсиз яна кредит олиш маъносини билдиради.

## ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ НАҚД пул шаклида берилса.

Йил бошидаги хатловда аҳоли фикри, таклифи, муаммоси ўрганилди. Хар бир фуқаро билан ўтказилган алоҳида мулоқотда ҳудудда мактабгача таълим ташкилоти, боғча йўқлиги қайд этилди. Муаммога ечим топиш учун маҳаллий тадбиркор билан ҳамкорлик қилдим. Мавжуд имкониятлар асосида Мунаввар Нутфуллоевага таклиф билдирдим.

Руслан ТУРСУНПЎЛАТОВ,  
Ромитан туманидаги “Самосий” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

Президентнинг “Кичик бизнесни ривожлантиришни молиявий ва институционал қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан тадбиркорга 100 миллион сўмлик имтиёзли кредит маблағи ажратиб берилди. Натижада Қосқур қишлоғида 50 ўринли “Носирова Гулзебо” оилавий мактабгача таълим ташкилоти фаолияти йўлга қўйилди. Боғчада ҳозирги кунда 70 нафардан ортиқ болажон тарбияланмоқда. Яна бир эътиборли жиҳати — 6 та янги иш ўрни яратилди.

Қарор асосида молиявий кўмак олган Нисор Воҳидов, Моҳинур Сайитова хонадонига қорвачиликка ихтисослашган кичик қорхона ташкил этди. Жаҳоҳир Орзикулов ва Шаҳзода Шомуродовага мотороллер олиб берилиши эъвазига улар ўзини ўзи банд қилди.

Сўнгги хатловда маҳаллада 3

мумкин.

Бугунги кунда амалиётда қўлланилаётган “деҳқон хўжалиги” ҳамда “шахсий томорқа ер эгалари” тушунчаларининг маънолари бир хил бўлиб, улар томорқа ер участкаларида ва деҳқон хўжаликларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан шуғулланиладилар.

Жаҳонгир РАҲМОНОВ,  
Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши матбуот хизмати раҳбари.

Деҳқон хўжалигидаги фаолият тадбиркорлик ҳисобланади. Аъзоларнинг истагига кўра, юридик шахс ташкил этган ҳолда ёки юридик шахс ташкил этмасдан амалга оширилиши

## Шахсий томорқа ва деҳқон хўжаликлари қандай фарқланади?

Деҳқон хўжалиги — оилавий майда товар хўжалиги бўлиб, оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида, мерос қилиб қолдирилган умрбод эгаллик қилиш учун оила бошлиғига берилган томорқа ер участкаси. Унда қишлоқ хўжалиги маҳсулотни етиштирилади ва қайта ишланади.

КҲН САВОЛИ



Деҳқон хўжаликлари ҳамда шахсий томорқа ер эгаларига ҳуқуқий, агротехнологиявий, агрокимёвий маҳсулот сотиш йўналишларида маслаҳат бериш, тегишли ёрдам кўрсатиш

масалалари билан Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва шахсий томорқа ер эгалари кенгаши ва унинг ҳудудий бўлинмалари шуғулланади. Деҳқон хўжалигини давлат

рўйхатига олиш белгиланган тартибда амалга оширилади.

Хўжалик бошлиғига Ер участкасига умрбод эгаллик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжати ҳамда давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома тақдим этилади.

Маҳалла фуқаролар йиғини хар бир деҳқон хўжалигини Хўжалик китобига киритиб, унда деҳқон хўжалигининг таркиби, бошлиғи ёхуд унинг вазифасини бажарувчи шахс, ташкилий-ҳуқуқий шакли (юридик шахс ташкил этган ҳолда ёки юридик шахс ташкил этмасдан) тўғрисидаги маълумотларни қайд этиб қўяди.

Шунингдек, томорқа майдони, боқилаётган парранда, чорва хайвонлари, экин турлари акс эттирилади.

Деҳқон хўжаликларини давлат рўйхатидан ўтказганлик учун давлат божи ундирилмайди.





Тошкент вилоятида суткасига 1 МИЛЛИОН МЕТР КУБ оқова сув тозалаш қувватига эга бўлган иншоот қурилади.



Американинг “Sierra Nevada Corporation” компанияси Ўзбекистон БИЗНЕС-ЖЕТЛАРИга хизмат кўрсатади.



Таъмирлаш ишлари сабаб ёпилган ТОШКЕНТ МАРКАЗИЙ ВОКЗАЛИ ўз фаолиятини 16 августдан қайта бошлайди.

ЁШЛАР ЕТАКЧИСИ ТАКЛИФИ

ХУДУДЛАРДАГИ ЁШЛАРДА ҚАНДАЙ ТАКЛИФЛАР БОР? ОЛИС МАҲАЛЛАЛАРДАГИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАРНИНГ БЎШ ВАҚТИНИ МАЗМУНЛИ ЎТКАЗИШ, КИТОБХОНЛИКНИ КЕНГ ТАРҒИБ ЭТИШ, СПОРТНИ ОММАЛАШТИРИШ УЧУН НИМАЛАРГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИШ ЗАРУР? ШУ КАБИ САВОЛЛАРГА ЖАВОБ ТОПИШ МАҚСАДИДА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДАГИ МАҲАЛЛАЛАРНИНГ ЁШЛАР ЕТАКЧИЛАРИ ТАКЛИФИ БИЛАН ҚИЗИҚДИК.

## “Ўйингоҳ бор, АММО пуллик хизмат кўрсатади”



## “Қаровсиз хиёбон ЁШЛАРГА БЕРИЛСА...”

Янгийўл туманидаги “Гулистон” маҳалласи ёшлар етакчиси Дониёр АЛИМОВнинг фикрича, хатловда ёшлар билдирган таклиф — замонавий киберспорт бўйича мусобақа ташкил этиш. Айниқса, уюлмаган ёшлар орасида компьютер ўйинларига қизиқувчилар кўп. Агар киберспорт мусобақаси ўтказилса, улар билан ишлаш янада осонлашади. Бундан ташқари, ҳудудда “Мардлик-мангулик” хиёбони жойлашган. Унинг ярми тадбиркорга фойдаланиш учун берилган. Қолган қисми ҳозирда қаровсиз аҳволда. Шу қаровсиз қисми ёшлар ихтиёрига берилса, мақсадли фойдаланардик. Масалан, ёшлар бу ерни обод қилиб, бўш вақтини мазмунли ўтказиши, мароқли ҳордиқ чиқариши мумкин.

ТАЖРИБА

## “РУҲШУНОСЛАР тренинги ЗАРУР бўляпти”

Ёшлар ўртасида жиноят ва ҳуқуқбузарлик содир этилишининг бирламчи сабаби — бекорчилик. Шу боис иш жараёнида, аввало, ёшлар бандчилигини таъминлашга алоҳида эътибор беряёмиз.

Дано ОХУНЖОНОВА, Олмасор туманидаги “Умид” маҳалласи ёшлар етакчиси.

Ил бошида ўтказилган хатловда 8 нафар ишсиз аниқланганди. Бугун барчасининг бандлиги таъминланган. Дилшод Норқобилов ватан олдидаги йигитлик бурчини бажармоқда. Қолганларга имтиёзли кредит, субсидия орқали кўмак кўрсатдик. Улардан бири — Умида Бадалова. Тадбиркорликка иштиёқи бандлигини аниқлаб, субсидия асосида музлаткич ва қандолатчилик ускунаси олишига ёрдамлашдик. Ҳозир ўз бизнесини йўлга қўйиб, қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқармоқда. Ойига 5 миллион сўм даромад топмоқда. Ишсиз сифатида рўйхатда турган яна бир тенгдошимиз — Исломбек Умарбековга чилангарлик ускунаси ажратдик. Шу касб ортидан моддий аҳволи яхшиланди. Ойига 5-6 миллион сўм даромад топмоқда. Орифхон Нурмухаммедовни қизиқишидан келиб чиқиб, ишга жойладик. “Ёшлар дафтари”да рўйхатга олинган Мадина Мирдадаева 2023 йил мактабни битирган. Она-онасидан эрта айрилган, бувисининг



Сўхбат жараёнида у тикувчиликка қизиқиши борлигини маълум қилди. “Устоз-шогирд” аънанасига асосан, хунар эгаллашига ёрдамлашиб, ҳомийлар кўмагида тикув машинаси билан таъминладик.

қаромоғида. Сўхбат жараёнида у тикувчиликка қизиқиши борлигини маълум қилди. “Устоз-шогирд” аънанасига асосан, хунар эгаллашига ёрдамлашиб, ҳомийлар кўмагида тикув машинаси билан таъминладик. Натижада касб-хунар ортидан ўзини ўзи банд қилди. Маҳаллада жами 666 нафар ёш бўлса, уларнинг 168 нафарини Мудофаа вазилиги оталиққа олган. Оғир тоифадаги 6 нафар ёшнинг муаммоси ўрганилганда, 2 нафари “IT” соҳасига қизиқишини билдирди. Шу асосида уларни ўқишга йўналтириб, ноутбук бердик. Яна бир йигит боксга қизиқгани учун спорт мактабига жойладик. 3 нафар

жиноят содир этишга мойил ёшнинг 2 нафари пробация ҳисобидан чиқарилди. Бугун ёшлар ўртасида оилавий қелишмовчилик, ажралиш кўп кузатилмоқда. Қарс икки қўлдан чиқди, деганларидек, низода келинларнинг ҳам “ҳиссаси” бор. Таклифим — муаммога ечим топиш учун маҳаллада малакали руҳшунослар иштирокида тренинглр ўтказишни йўлга қўйиш керак. Ёшларни оилага тайёрловчи ўқув курси ташкил этилса, яхши натижа беради. Бундан ташқари, ҳар бир маҳаллада мономарказ филиали очилса, касб-хунар ўрганиш жараёни янада тезлашади.

БИЛАСИЗМИ?

## “МАБЛАҒИМ ЙЎҚ, ЁРДАМ ОЛСАМ БЎЛАДИМИ?”

Нигора КАМОЛОВА, Булоқбоши туманидаги “Тошкечик” маҳалласи.

— Мен “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида ўқув курсини тамомлаганман. Компьютер сотиб олишга маблағим йўқ. Шу масалада ёрдам олсам бўладими?

Абдорбек ЭЪЗОЗХОНОВ, “Мадад” НТТ ҳуқуқшуноси:

— Бундай курсларни муваффақиятли тугатган ёшларга компьютер хариди бўйича истёмоли кредити фоизлари қоплаб берилади. Бунинг учун талабгор ёшлар лойиҳа доирасида ўқув курсларини муваффақиятли тамомлаган, IT-парк резидентининг ўқувчиси ёки битирувчиси бўлиши керак. Ариза берувчига компьютер (шу жумладан, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмаган) харидлари учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 25 бараваридан кўп бўлмаган миқдорда истёмоли кредити берилади. Хизмат кўрсатиш учун компьютер сотиб олиш бўйича икки томонлама тузилган олди-соти шартномаси (“pdf” форматда), “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида ўқув курсларини муваффақиятли тугатганлиги тўғрисида сертификат (“pdf” форматда) керак бўлади. Талабгор сертификат берилган санадан бошлаб, 6 ой мобайнида исталган туман(шаҳар) давлат хизматлари марказларига ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали (mu.gov.uz) орқали сертификат илова қилиб, мурожаат этиши мумкин.

Ёшлар ишлари агентлиги ариза берувчининг мурожаати ЯИДХП орқали тушган пайтдан бошлаб, 5 иш куни давомида сертификатни верификациядан ўтказиши. Кредит расмийлаштириш учун “Халқ банки”, “Микрокредитбанк” ҳамда “Алоқабанк”дан бирига мурожаат қилиш мумкин. Банкка шахсни тасдиқловчи ҳужжат (паспорт), Ёшлар ишлари агентлиги тақдим этган маълумотнома, “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси бўйича ўқув курсларини тугатганлиги ёки IT-парк резидентининг ўқувчиси, битирувчиси бўлганлиги тўғрисидаги сертификат нусхаси, вакил ҳамда унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат (паспорт), компьютер ёки ноутбук хариди учун дўкон билан тузилган шартнома нусхаси тақдим этилади.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Орифхон ЖЎРАЕВ, Чуст туманидаги “Тинчлик” маҳалласи.


— Нодават касб-хунарга ўқитиш муассасасида таълим олиб, касбий малакага эга бўлишим. Энди ўз бизнесимни йўлга қўймоқчиман. Лекин бунинг учун маблағ керак бўляпти. Тадбиркорлик фаолиятимни бошлаш учун қандай молиявий ёрдам кўзда тутилган?

## “ТАДБИРКОРЛИК учун қандай имтиёзлар бор?”

Нодирбек АБДУҚОДИРОВ, Ёшлар ишлари агентлиги ахборот хизмати раҳбари:

— “Камбағал ва ишсиз фуқароларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат фаолиятини ошириш ва касб-хунарга ўқитишга қаратилган ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарори асосида касбий малакага эга ёшлар учун имтиёзлар белгиланган. Унга кўра, нодават касб-хунарга ўқитиш муассасаларида таълим олган ҳамда халқаро стандартлар даражасида касбий малака сертификатини (Скиллс паспорти) олган битирувчиларга молиявий ёрдам кўрсатилади. Жумладан, касб-хунарга ўқиш ва малака имтиҳонини топириш харажатлари қопланади, тадбиркорликка жалб этиш, ўзини ўзи банд қилганлик учун рағбатлантириш мақсадида субсидия ажратилади, ўз бизнесини бошлаши учун имтиёзли кредитга тавсиянома берилади.





Рақобат қўмитаси  
реклама қонунчилиги  
юзасидан барча давлат ва  
нодавлат телеканалларга  
КЎРСАТМА ХАТИ  
йорборди.



“Виждудон тажрибаси”  
асосида 1 мингта  
маҳаллада “ТЕПАҒА  
ЎСАДИГАН” (вертикал)  
саноат бинолари  
лойиҳалари тайёрланади.



Марказий Осиёнинг  
УМУМИЙ ТЕЛЕКАНАЛИ  
ташкил этилиши  
мумкин.

6

№47 | 2024 йил 15 АВГУСТ, ПАЙШАНБА

Mahalla

ҚўЛЛАНМА

## Оилавий тадбиркорлар қандай солиқлар тўлайди?

Музаффар НАЗАРОВ,  
Солиқ қўмитаси бошқарма  
бошлиғи ўринбосари.

Бугун оилавий тадбиркорлик билан шўғулланиб, ўз брендини яратган тадбиркорлар кўп. Уларга ҳавас қилиб, ушбу бизнес турини бошламоқчи бўлаётганлар бор. Мана шундай фуқароларга оилавий тадбиркорлик ҳақида зарур маълумотлар бериб ўтамиз.

Оилавий тадбиркорлик билан ҳар бир оила аъзолари юридик шахс ташкил этган ёки ташкил этмаган ҳолда шўғулланиши мумкин. Ёр, хотин, уларнинг болалари ва набиралари, ота-онаси, меҳнатга қобилиятли ёшга тўлган бошқа қариндошлари (болалари ва набираларининг эрлари (хотинлари), туғишган ҳамда ўай ака-ука ва опа-сингиллари, уларнинг эрлари (хотинлари) ҳамда болалари, тоға ва амаки ҳамда амма ва холалари) оилавий корхона иштирокчилари бўлиши мумкин.

**Ҳўш, юридик шахс ташкил этмаган оилавий тадбиркорлар қандай солиқларни тўлайди?**

Юридик шахс ташкил этмаган ҳолда фаолиятни амалга ошираётган оилавий тадбиркорлик субъектлари жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи (ЖШОДС) тўлашнинг қўйидаги турларидан бирини танлашга ҳақли:

- қатъий белгиланган миқдорда;
- жами иллик даромади тўғрисидаги декларация асосида.

Бундай оилавий тадбиркорлар 5 нафаргача доимий ходимни улар билан меҳнат шартномасини тузган ҳолда ёллаши ва солиқ агенти сифатида уларга тўланган иш ҳақи бўйича даромад солиғини тўлаши мумкин.

**Юридик шахс ташкил этмаган оилавий тадбиркорлар қўйидаги миқдорларда ижтимоий солиқ тўлайди:**

- якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган оила аъзоси – **ойига 340 000 сўм**;
- оиланинг бошқа аъзолари (18 ёшга тўлмаганлар бундан мустасно) – **ойига 170 000 сўм**;
- савдо мажмуалари ва бозорларда фаолият юритаётган оилавий тадбиркорларнинг ёлланма ишчилари – **ойига 170 000 сўм**;
- бошқа оилавий тадбиркорларнинг ёлланма ишчилари учун – **йилига 340 000 сўм**.

**Юридик шахс ташкил этган оилавий тадбиркорлар-чи? Улар қандай солиқларни тўлашади?**

Оилавий тадбиркорлар давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг ихтиёрий равишда айланма солиғини тўлашни танлаши ёки қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) ва фойда солиғи тўловчиси бўлиши мумкин. Умумий даромади 1 млрд. сўмдан ортқ бўлган оилавий тадбиркорлар ҚҚС ва фойда солиғини тўлашга ўтади. Шунингдек, улар ЖШОДС ва ижтимоий солиқ тўлайди.

**Солиқ солиш объекти бўлса, мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлайди.**

**Яна шуни билиш керакки,** оилавий корхона фаолиятнинг айрим турларини фақат махсус рухсатнома (лицензия) мавжуд бўлганда амалга ошириши мумкин. **Акциз солиғи тўланadиган маҳсулотни ишлаб чиқариши** ва ер қазирдан фойдаланганлик учун солиқ солинадиган **фойдали қазилмаларни қавлаб олишни амалга ошириши мумкин эмас**. Шунингдек, **фаолиятда захарли, радиоактив моддалар** ва материаллардан, юкори босимли асбоб-ускуналардан ҳамда инсон ва атроф-муҳит учун катта хавф туғдирадиган бошқа асбоб-ускуналардан фойдаланишга йўл қўйилмайди. Кўп квартиралар унинг турар жойларида саноат тусидаги фаолиятни амалга ошириш тақиқланади.

**Янада кўпроқ маълумотга эга бўлиш учун “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги қонунни ўқиб чиқишингизни маслаҳат берамиз.**

СОЛИҚЧИ – ҚўМАКЧИ



## “ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТ ЖИЛОВЛАНЯПТИ”

“Маҳалла еттилиги” ташкил этилгач, маҳаллалардаги ҳар бир солиқ тўловчи хонадонига кириб бориб, тадбиркорлар билан учрашамиз. Муаммосини ўрганиб, солиқ соҳасидаги ўзгаришларни тушунирямиз. Энг муҳими, яширин иқтисодиётнинг олдини олиняппти.

**Ботир ХУДОЙБЕРГАНОВ, Урганч туманидаги “Шерматлар” ва “Янгиобод” маҳаллалари солиқ инспектори.**

Биргина туманимизнинг ўзида ўтган етти ой давомида 65 та корхонадаги 535 нафар норасмий ишловчи фуқаро фаолияти қонунийлаштирилиб, уларнинг ижтимоий ҳимояси таъминланди. Турли сабаблар билан фаолияти вақтинча тўхтаб қолган 324 та корхонанинг фаолияти тикланди, 48 та бўш

объектнинг ишга туширилиши натижасида 151 та янги иш ўрни яратилди.

“Маҳаллабай” ишлаш тизимидаги дастлабки натижаларига кўра, жисмоний шахсларнинг турар жой объектларидан 11 млрд. 582 млн. сўм солиқ ундирилди. Шунинг 10 фоизи, яъни 1 млрд. 158 млн. сўм маблағ маҳаллалар бюджетида қолдирилди. “Шерматлар” ва “Янгиобод” маҳаллаларининг ўзидан 604 миллион 400 минг сўм солиқ ундирилди. Шундан 10 фоизи, яъни 60 миллион 400 минг

**сўми маҳалла инфратузилмасини ривожлантириш учун маҳалла бюджетига ўтказилди.**

Фаолиятим давомида 39 та тадбиркорлик субъекти фаолиятини қонунийлаштириб, 48 тасини янгидан рўйхатдан ўтказдик. “Хонадонбай”, “корхонабай” ишлашимиз натижасида 48 та тадбиркорлик субъектининг товар айланмаси 48 миллион 900 минг сўмга оширилди. Натижада 12 миллион 900 минг сўм қўшимча айланмадан олинadиган солиқ ҳисобланди. Бу солиқ тури бевосита туман бюджетини шакллантиради. Қолаверса, 30 та корхонада 58 нафар норасмий ишчининг расмийлаштиши ҳисобига 46 миллион 800 минг сўм иш ҳақи ва 6 миллион сўм қўшимча даромад солиғи ҳисобланди. Шунингдек, “маҳалла еттилиги” билан биргаликда 170 та қўшимча

объект аниқланиб, улар ҳисобига 31 миллион 400 минг сўм мол-мулк ва ер солиқлари ундирилди.

Бугунги кунда қўлида хунари бор ёки уйда якка тартибда маълум фаолият билан шўғулланиб келаётган фуқароларимиз кўп. Уларнинг ўзини ўзи банд қилиши, иш стажига эга бўлиши учун амалий кўмак кўрсатиб келяпмиз. Натижада 306 нафар фуқаро ўзини ўзи банд қилиб, дастлабки фаолиятини бошлашди. Бу, ўз навбатида, яширин иқтисодиётни жиловлашга хизмат қилмоқда.

Хулоса шуки, “маҳалла еттилиги”нинг ташкил этилиши маҳаллаларда яширин иқтисодиётнинг олдини олиб, бизнес вакилларини шаффоф ва ҳалол ишлашга, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариб, ўз хизматларини аҳолига тақдим этишга ундамоқда.

Фаолиятим давомида 39 та тадбиркорлик субъекти фаолиятини қонунийлаштириб, 48 тасини янгидан рўйхатдан ўтказдик.

## ЭНДИ ҲАЙДОВЧИЛАР ЮК ХАТИНИ ТАСДИҚЛАМАЙДИ

Суҳроб ЗИЁДУЛЛАЕВ,  
Солиқ қўмитаси бош инспектори.

“Солиқ” мобил иловасининг янги версиясида яна бир қўлайлик яратилди. Эндиликда ҳайдовчилар электрон товар транспорт юк хати(ТТЙ)ни тасдиқлаши шарт эмас. Ҳайдовчи

тарафларнинг ўзаро келишувига асосан, электрон ТТЙни тасдиқлаши ёки тасдиқламаслиги мумкин.

Бундан ташқари, солиқ тўловчиларнинг тақлиф ва мурожаатларини инобатга олган ҳолда электрон товар транспорт юк хатини расмийлаштиришда тўлдирилиши мажбурий бўлган 10 та маълумотни киритиш ихтиёрий тартибга ўтказилди.

Булар:

- юкни етказиб берувчи, экспедитор (СТИР ва номи);
- миқдор (СТИР, шартнома рақами ва санаси);
- буортмачи (СТИР, шартнома рақами ва санаси);
- юк оғирлиги (брutto ва нетто).

ЯНГИЛИК

## Таксилар фаолияти интеграция қилинган, 3 МЛРД. 889 МЛН. СЎМ ТУШУМ УНДИРИЛДИ

Ромон ОТАЖОНОВ,  
Хоразм вилояти солиқ  
бошқармаси шўъбаси бошлиғи.

Бугунги кунда Давлат солиқ хизмати органларидаги 50 дан ортқ интерактив ва ахборот хизматларининг мавжудлиги маҳалладаги тадбиркорларга қатор қўлайликларни яратмоқда. Айниқса, йўналишсиз таксида йўловчи ташувчи корхона ва ташкилотларга интерактив хизматларни кўрсатувчи агрегаторларнинг яратилиши айни муддао бўлди. Мижозларга хизмат кўрсатишда тўлов усуллари ва йўловчиларга чек тақдим этиш, агрегаторларга аъзо тартиби соддалаштирилди.

Такси хизматлари соҳасини легаллаштириш, расмий иш билан банд бўлмаган шахслар фаолиятларини қонунийлаштирган ҳолда ушбу бозордаги айланмалар ҳисобини юритиш бўйича бошланган ишлар ўзининг ilk самарасини бера бошлади. **Биринчидан**, бозорнинг энг катта иштирокчилари солиқ тизимлари билан интеграция қилиниб, такси хизматлари учун фискал чек берилмоқда. **Иккинчидан**, йўловчи ташиш хизмати билан шўғулланувчи ўзини ўзи банд қилган фуқароларнинг расмий даромад манбаи шаклланиб, иқтисодий ҳаракатларда даромад

### ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТ



Маҳаллалардаги солиқ инспекторларнинг ўрни алоҳида бўляпти.

тўғрисидаги маълумотлар ҳисобга олина иштирокчилари солиқ тизимлари билан интеграция қилиниб, такси хизматлари учун фискал чек берилмоқда.

Биринчидан, бозорнинг энг катта иштирокчилари солиқ тизимлари билан интеграция қилиниб, такси хизматлари учун фискал чек берилмоқда. Иккинчидан, йўловчи ташиш хизмати билан шўғулланувчи ўзини ўзи банд қилган фуқароларнинг расмий даромад манбаи шаклланиб, иқтисодий ҳаракатларда даромад

кўрсатиш қўламини кенгайтириш, ўзини ўзи банд қилиш орқали йўловчи ташиш хизматидан фойдаланиши, шу орқали яширин иқтисодиётнинг олдини олиш чораларини тушуниряпти. Натижада яширин иқтисодиётнинг олдини олиш, қолаверса, йўловчи ташиш соҳасини шаффофлаштириш мақсадида 24 та агрегатор солиқ органлари билан тўлиқ интеграциялаштирилди. Яна 2 та агрегатор интеграция жараёнида.

Вилоятдаги 24 та агрегатор интеграциясидан кейин 3 млрд. 889 млн. сўмлик 315 641 та чек шакллантирилди. Бугунги кунга қадар ўзини ўзи банд қилиб, йўловчи ташиш фаолияти билан шўғулланаётган шахслар 3 963 нафарни ташкил қилмоқда. Айни кунларда ҳудудлардаги онлайн агрегаторлар ва такси хизматлариға солиқ органларининг ахборот тизимлари билан интеграциялашуви, шунингдек, улар кўрсатаётган хизматлар учун нақд ва нақдсиз тўловларни фискаллаштиришга кўмаклашилмоқда.

Онлайн-такси агрегаторларининг солиқ органларининг ахборот тизимлари билан интеграциялашуви натижасида йўловчи ташиш хизмати учун тўловларга электрон фискал чек шаклланыпти. Онлайн-такси агрегаторлари шакллантирилган чекларни my3.soliq.uz порталидаги шахсий кабинети орқали кўришлари мумкин.

Бир сўз билан айтганда, такси хизматлари соҳасининг легаллаштирилиши расмий иш билан банд бўлмаган фуқаролар фаолиятини қонунийлаштирмоқда. Бу ўзини ўзи банд қилган шахсларға нафақат қонуний даромад олиш, балки ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларига ҳам хизмат қилади.





Сурхондарёда  
Имом Термизий номидаги  
ИСЛОМ ИНСТИТУТИ  
ташkil этилди.



Олий Мажлис йиғилишида  
қайд этилишича,  
аҳолининг 9,8 млн. нафари  
(умумий аҳолининг  
27 фоизи) ЧОРВАЧИЛИК  
БИЛАН шуғулланади.



Қирғизистоннинг  
“TezJet” авиакомпанияси  
“БИШЕК – ТОШКЕНТ”  
йўналишида  
авиапарвозларни  
йўлга қўяди.

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

## “ОҒРИҚЛИ МАСАЛА — бола пули ва моддий ёрдам билан боғлиқ”

Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган фуқаролар билан манзилли ишлаш — асосий вазифамиз. Шу боис патронаж ҳамшира ва маҳалла раиси иштирокида уйма-уй юриб, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлганларни сўровнома асосида 12 та тоифага ажратиб чиқамиз. Сўнгра улар билан яқкама-яқка ишлаймиз.

**Шахноза ҚОСИМОВА,**  
Булоқбоши туманидаги  
Мирзакалон Исмоилий ва “Уч кўча”  
маҳаллалари ижтимоий ходими.

Айниқса, ўзгалар парваришига муҳтож шахслар доимий эътиборимизда. Ижтимоий хизматлар режасига мувофиқ, ўзига ўзи хизмат кўрсатиш, мустақил равишда ҳаракатланиш имконияти чекланган ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган фуқароларга ижтимоий ходим ассистенти бириктирилади. Уларнинг фаолияти назорат қилиниб, шу асосида ойлик маошлари берилади.

Жорий йил бошида Мирзакалон Исмоилий ва “Уч кўча” маҳалласида бундай тоифадаги яқка-ёлғиз яшовчи кексалар тўққиз нафар эди. Ҳозир уларнинг уч нафари билан ишляпмиз. Айримлари фарзандлари ва яқинлари билан яраштирилиб, уларнинг қарамоғига топширилди. Шунингдек, ўзгалар парваришига муҳтож бўлган саксон ёшдан ошган 12 нафар фуқарога алоҳида қаровчи шахслар бириктирилди. Уларга меҳнат стажига ҳисобланади.

Ўзгалар парваришига муҳтож шахслар давлат спорт тадбирлари, театр ва музейларга кириши бепул. Давлат мулкида бўлган соғломлаштириш ва спорт иншоотларида ташкил этилган тўғарақларда бепул шуғулланади. Жорий йил ушбу тоифадаги 10 нафар фуқаро санаторида соғломлаштирилди.

Ногиронлиги бор шахсларни рўйхатга олиш ва уларга зарур ёрдамлар кўрсатиш борасида самарали ишларни йўлга қўйганмиз. Ҳозирда 140 нафар фуқаро I, II ва III гуруҳга ажратилган. Эҳтиёжи борларга ногиронлик аравачалари берилди. Уч нафар бола-



Имконияти чекланган ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган фуқароларга ижтимоий ходим ассистенти бириктирилади.

жонимиз Андижон шаҳар реабилитация марказида бепул даволаниб келишди.

Ота-оналари хорижга ишлашга кетган болалар билан манзилли ишляпмиз. Яқинда ана шундай ёшларнинг уч нафарини бобо-бувисига васийликка бердик. Уларнинг таълим-тарбияси доимий назоратимизда.

Маҳаллалардаги энг оғриқли масала, бу — бола пули ва моддий ёрдам билан боғлиқ масалалардир. Афсуски, аксарият оилалар ўзига тўқ бўлса-да, шу икки таъминотдан умидвор бўлишадди. Ана шундай оилаларни бирма-бир ўрганиб, ишсизларни ишли қилдик. Ҳар икки маҳалламизда хунармандчилик ва касаначилик яхши ривожланган.

Шу боис бундай оила аъзоларини Мономарказда касб-хунар ўрганишга йўналтирдик. “Устоз-шоғирд” анъанасида моҳир усталарга бириктирилди. Тадбиркорлик қилиш истагида бўлганларга кредит ажратилди. Айримлари ўзини ўзи банд қилиб, пиширик цехлари ташкил этди. Натижада 100 дан ортқ шундай тоифадаги оиладан 57 та қолди.

Худуддаги ҳар бир оила ўз яқинларимдек бўлиб қолган. Кимга қандай маслаҳат, йўл-йўриқ керак бўлса, бемалол келиб мурожаат қилади. Ўртадаги самимий муносабат, дўстона муҳит кўлаб муаммоларни ижобий ҳал қилишга замин яратмоқда.

ТАКЛИФ, ТАШАББУС, НАТИЖА

## “Оиланинг ажралиши — ЭНГ КАТТА МУАММО бўлмоқда”

Маҳаллада хотин-қизлар фаоли лавозимида 10 йилдан бери ишлайман. “Драйвер”имиз — қандолатчилик. Худуднинг насту баланди, ёнгу қарисх билан қаддонман. Ҳар бир хонадондаги қиз-жувон, кекса онахонларга сирдош дўстона, она-сингил, ўз қизларидек яқинман. Шу боис энг позик масалада ҳам маслаҳатлашамиз, фикрлашамиз, хулосага келамиз.

**Наима СУЛТОНОВА,**  
Зангиота туманидаги “Қирғузар”  
маҳалласи хотин-қизлар фаоли.



Жорий йил бошида ўтказилган хатловда уйма-уй юриш орқали уларнинг эҳтиёжи, қизиқишини аниқлаган ҳолда анкета сўровномага қайд этиб бордик. 85 нафар хотин-қиз “Аёллар дафтари”га рўйхатга олинди. Уларни тоифаларга ажратиб, зарур ёрдам кўрсатдик.

Тажрибамга асосланиб айта оламнки, бу дафтар ўз ташвишига ўрлашиб, дардини айтолмай юрган аёлларга, боқувчисини йўқотиб, жўжабирдай жон бўлган болаларининг кўзига термулиб, ғойибдан умидвор бўлиб турган оналарга, хорижда сарсон саргардонликда минг бир азобга дучор бўлган ожизаларга имконият эшигини очди.

Малика Окилова ана шундай эътибор ва эҳтиромдан ҳаёти ижобий кўриниш олган аёллардан. У ишсиз сифатида “Аёллар дафтари”нинг 1-тоифасига киритилганди. Қизиқиши ва интилиши асосида ўтган йили Оилавий тадбиркорлик дастури

доирасида 10 миллион сўм кредит ажратилди. Бошлаган иши омадди бўлди. Шу боис жорий йил фаолиятини янада кенгайтириш ниятини билдирди. Унга “Кичик бизнесни ривожлантиришни молиявий ва институционал кўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори асосида 100 миллион сўм имтиёзли кредит берилди. Натижада тадбиркор ўзи каби 2 нафар аёлнинг бандлигини таъминлади.

Жорий йилнинг 6 ойи давомида жами 5 нафар фуқаро 100 миллионлик кредит маблағи эвазига янги иш ўринлари яратди. Масалан, Рисолат Эгамбердиева аёллар сартарошхонаси очди, Малоҳат Бўриева хизмат кўрсатиш йўналишида йирик тадбиркорга айланди. Бундан ташқари, Дилбар Иброҳимова 27 миллион сўм имтиёзли кредит эвазига дарвоза ва панжара ишлаб чиқарувчи корхона очиб, ўзи ва миграциядан қайтган турмуш ўртоғининг бандлигини таъминлади.

Ўрни келганда маҳалла хотин-қизлари билдирган таклифларни қайд этмоқчиман. Энг катта муаммо — оилавий ажралишлар бўлиб қолмоқда. Биламизки, оилалар тинчлиги ва мустаҳкамлигида оила бошлиғи — эркекларнинг ўрни ҳамда масъулияти жуда катта. Чунки ҳаётнинг қийинчиликларини улар ўз елкасига олади. Афсуски, амалиётда айрим эркекларнинг оилавий муносабатларда ўз ўрнини йўқотиб қўяётганига гувоҳ бўляпман. Шу боис муаммонинг олдини олиш учун эркеклар ўртасида тарғибот тадбирлари ўтказиб бориш лозим. Айниқса, диний уламолар билан учрашувларда уларнинг вазифа ва мажбуриятини тушунтириш лозим. Шунда оилавий ажралишлар олди олинади.

БИЛИБ ҚЎЙИНГ!

## КЎПРОҚ пенсия ОЛМОҚЧИМИСИЗ?

Иқтисодиёт ва молния вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси фуқароларга пенсияни режалаштириш бўйича тавсиялар берди.



Ҳозирда аксарият одамлар ўз келажагига эътиборсиз қараб, пенсия ёшига етганда афсусланиб қолаётган вазиятлар кўп учрамоқда. Бунинг асосий сабаби — иш стажининг етишмаслиги, ойлик маош миқдорининг камлиги билан изоҳланади.

Пенсияни режалаштириш — молиявий режалаштиришнинг асосий жиҳати ҳисобланади. Бу фуқароларга нафақат кексаликда молиявий ёрдам беради, балки келажакка ишонч бағишлайди. **Хўш, пенсияни қандай самарали режалаштириш мумкин?** Нималарга эътибор қаратиш лозим?

**Биринчидан,** фуқаролар доимий иш стажига эга бўлиш учун расмий даромад келтирадиган корхона, ташкилот ёки муассасаларда меҳнат шартномасига асосан фаолият юриштиши керак.

**Иккинчидан,** норасмий равишда меҳнат фаолияти юритаётган фуқаролар ўзини ўзи банд қилган ҳолда, мунтазам равишда ижтимоий солиқларни тўлаш орқали иш стажига эга бўлиб бориши лозим.

**Учинчидан,** пенсия қонунчилигига оид маълумотлар билан мунтазам равишда хабардор бўлиш зарур.

**Тўртинчидан,** расмий олаётган иш ҳақига эътибор қаратиш керак. Бу ҳолатда пенсия ёшига етгунга қадар охириги ўн йиллик меҳнат фаолиятидаги ойлик иш ҳақларидан пенсия ҳисобланишини инобатга олиш муҳим.

**Бешинчидан,** фуқаролар иш бевуричларидан ўз иш стажига тўғрисидаги маълумотларини рақамлаштиришни талаб қилишлари, меҳнат фаолиятини юртимгаётган фуқаролар Бандлик бўлимларида меҳнат дафтарчаларидаги маълумотларни рақамлаштиришни сўраб мурожаат қилишлари лозим. Шунда ўз маълумотларини ONE-ID орқали кўриш мумкин бўлади.

Фуқаролар шундай тартибда меҳнат фаолиятини олиб бурса, улар пенсия ёшига етганда, қилган меҳнати эвазига давлатнинг кафолатланган молиявий таъминотини олишлари мумкин.



**Умида БАДАЛОВА,**  
Олмazor туманидаги “Умид” маҳалласи.

— Ўзим қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона раҳбариман. “Аёллар дафтари”да турган хотин-қизлар бандлигини таъминлаганман. Шу вазиятда менга бино ва иншоотлар учун ижара тўловидан имтиёз борми?

## Аёллар бандлигини таъминлаганга ҚАНДАЙ ИМТИЁЗЛАР БОР?

**Аброрбек ЭЪЗОЗХОНОВ,**  
“Мадад”НТТ ҳуқуқшуноси:

— “Хотин-қизлар бандлигини ошириш ва саломатлигини мустаҳкамлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарорига кўра, ходимлари умумий сонининг камида 70 фоизи “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизлар бўлган касаначиликни ташкил этган ва имтиёз берилган даврда уларнинг бандлигини сақлаб қолган тадбиркорлар давлат мулкидаги бино ва иншоотлар учун ижара ҳақи тўловидан 2027 йил 1 октябргача озод этилиши белгиланган.

Шунингдек, “Аёллар дафтари”даги камида 5 та ишсиз хотин-қизларни касаначилик асосида ишга қабул қилган тадбиркорлардан давлат мулкидаги бино ва иншоотларни ижарага олишда ижара ҳақи 50 фоиз миқдорда ундирилади.





# ЯНГИ ИҚТИДОРЛАР, ЯНГИ ҒАЛАБАЛАР, ЯНГИ БАҲОДИРЛАР, БУ – ФАҚАТ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИКИ, ПРЕЗИДЕНТНИКИ!!!



## “Шундай келинимиз бор экану...”

Худоёр ОЧИЛОВ,  
Урганч шаҳридаги  
“Бишқор” маҳалласи раиси:

— Бугун Хоразм вилоятида катта байрам – Парижда бўлиб ўтган ёзи Олимпиада ўйинларида

“Париж 2024” ёзи Олимпиада ўйинларида Ўзбекистонлик спортчилар тарихий патнжа кайд этишди: 8 та олтин, 2 та кумуш ва 3 та бронза медаль жамғариб, 208 та давлат орасида 13 ўрини эгаллади. Бу билан вакилларимиз Осиёда тўртинчи, туркий, мусулмон, МДХ ва Марказий Осиё давлатлари орасида биринчи ўринни эгаллади. Голлиб ва совриндорлар муносиб тарзда кутиб олинди. Олимпиаданинг шукхи, таровати, голлиблик нафаси барча маҳаллаларга, хонадонларга кириб борди. Айниқса, спортчилар камолга етган маҳаллаларда ғалаба шодликлари халқ-ҳамон давом этмоқда. Фурсатдан фойдаланиб, йинин раислари фикрларига қулоқ тутдик.

самарқандлик келинимиз Диёра Келдиёрова олтин медални қўлга киритди. Диёра қизимиз нафақат Хоразм, Самарқанд, балки бутун Ўзбекистон фахрига айланди. У Олимпиада тарихида илк Ўзбекистонлик дзюдочи чемпион сифатида тарихга муҳрланди.

“Буюклик — оддийликда” дейишади. Диёра ҳам, унинг турмуш ўртоғи Азамат ҳам оддий оила фарзандлари. Қайнотаси Умирбек ака ҳайдовчилик қилса, қайнонаси Умида ая новвойчилик билан шуғулланади. Қувонарлиси, ёш оиланинг ҳар иккиси ҳам дзюдочи.

Хар бир ота-она фарзанди ортидан яхши сўз эшитиб, ютуқларидан қувониш мумкиндир, лекин келинининг ортидан шундай бахтга эришиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Айтишади-ку, шундай келинимиз бор экану...

Диёра 2022 йилда маҳалламизга келин бўлиб тушган, унга ҳавас қилиб, спорт билан шуғулланувчи қизларимиз сони кўпайди. Бугун улар орасида стол тенниси, каратэ, дзюдо бўйича вилоят, республика чемпионлари бор. Насиб этса, келгусида маҳалламиздан Диёра каби чемпион қизларимиз етишиб чиқади.

## Чемпионнинг маҳалласи

Махшб НУРМАТОВА,  
Булоқбойи туманидаги  
“Ривож” маҳалласи раиси:

— Бу йил боксчиларимиз тарихий натижани қайд этишди. Бу жараёнда маҳалладошимиз – Ҳасанбой Дўсматовнинг ўз хиссаси бор. Ҳасанбойнинг ғалабаси ортидан нафақат Ўзбекистон, балки “Ривож” маҳалласи машҳур бўлди. “Икки карра Олимпиада чемпиони маҳалласи”, деган номга сазовор бўлди.

Чемпионимиз бокс фаолиятини 11 ёшида, Андижондаги бокс мактабиде бошлаган. 2012 йилдан Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси. Андижон давлат университетини битирган. Ҳасанбой Париждаги ютуғига қадар Рио

Олимпиадаси чемпиони, жаҳон ва уч карра Осиё чемпиони бўлган. “Халқаро тоифадаги спорт устаси”, “Ўзбекистон ифтихори” фахрий унвонлари билан тақдирланган.

Албатта, бу муваффақиятларнинг тағ замирида мамлакатимизда спортга қаратилаётган эътибор ётибди. Ҳасанбойнинг ортидан икки укаси спортни танлади. Маҳалламизда бокс ишқибозлари кўпайди. Шу боис 9-мактабда бокс тўғраги ташкил этилди. Ҳозир бу ерда Ҳасанбойнинг укаси Исроил 60 нафар ўқувчи-ёшга боксдан сабоқ берапти. Ҳасанбой эса ёш спортчиларга тоғ машғулотларини ташкил этапти.

Чемпионимиз, фахримиз маҳалла тadbирларида доим фаол. Кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олиб, зарур ёрдамлар кўрсатади.

## “Президентга берган ваъдасини оқлади”

Абдуғаффор МАДАЗОВ,  
Мирзо Улугбек туманидаги  
“Геофизика” маҳалласи раиси:

— Бу йилги Олимпиада Ўзбекистонлик спортчилар учун муваффақиятли бўлди. Айниқса, Токио Олимпиадасида Ўзбекистон тэквондо тарихида илк марта олтин медаль олган Улугбек Рашидов бу сафар ҳам Президентга берган ваъдасини оқлади. Бундан нафақат бизнинг маҳалладошлар, балки бутун Ўзбекистон халқи миннатдор бўлди. “Яша, отангга балли”, дея ҳайқаришди.

Албатта, чемпионларнинг чемпион бўлишида мураббийлари билан бирга, ота-онанинг қўллови, фарзандига берган тарбияси асосий пойдевордир. Бугун Рашидовлар оиласи кўпчиликка ибрат. Яқинлар, маҳалла-қўй Исмаилов ака билан Оксана опани чемпионлик ғалабаси билан табриклашмоқда.

Маҳалламизда чемпионлар сафи кўпаймоқда. Яқинда яна бир маҳалладошимиз Мурод Раҳимов Японияда ўтказилган жаҳон чемпионатида уч карра чемпионликини қўлга киритди. Яна ўнлаб ёшлар маҳалламиздаги “Динамо” спорт мажмуасида каратэ, футбол машғулотларига қатнашди.



## “Баҳодир учун тарихий ғалаба, чунки...”

Қувондиқ ЖАЛОЛОВ,  
Сариосиё туманидаги “Афросиё” маҳалласи раиси:

— Баҳодир Жалолов нафақат маҳалламиз, балки бутун Ўзбекистон ифтихориға айланди. Париж Олимпиадасидаги олтин медаль Баҳодир учун унутилмас тарихий ғалаба бўлди. Чунки Бразилияда ўтган Олимпиаданинг чорак финалида маълумиятга учраган, оғир тушқунликка тушиб қолган. Қолаверса, ушбу муваффақиятсизлигидан кейин отасидан айрилди.

Бирок кучли иродаси билан барча қийинчиликларни енгиб ўтиб, ўз устида янада кўпроқ ишлай бошлади. Яқинлари, устози Тўлқин Қиличев руҳий далда бўлиб, қўллаб-қувватлашди. Мана, бугун ўз мақсадларига эришиб, бор эътиборини профессионал боксга қаратишини айтди. У ерда ҳам унинг натижалари ҳайратланарли: 14 та жанг, 14 та ғалаба, 14 та нокаут! У “Ўзбекистон Республикаси халқаро тоифадаги спорт устаси”, икки карра Олимпия ўйинлари чемпиони, икки карра жаҳон ва уч карра Осиё чемпиони. “Ўзбекистон ифтихори” фахрий унвони билан тақдирланган.

Ҳозирда Баҳодир пойтахтда яшаётган бўлса-да, бир оёғи ҳамон маҳалламизда. Тез-тез келиб туради. Хар келганида маҳалла ёшлари билан учрашиб, уларни янада кўпроқ илм олишга, спорт билан шуғулланишга ундайди. Унинг ташаббуси билан маҳалламизда спорт зали ташкил этилган. Бу ерда 20-30 нафар ёш бокс билан шуғулланмоқда.

Баҳодир Париж Олимпиадасида ғалаба қозонса, маҳалламизда бокс спорт мактаби қуриб беришини ваъда қилган. Демак, яқин орада сариосиёлик ёшлар замонавий бокс мактабиде шуғулланишади.

## “Бу ғалаба янги Ўзбекистон ғалабаси”

Музаффар ОРТИКОВ,  
Риштон туманидаги  
“Булоқбойи” маҳалласи раиси:

— Асадхўжа айтганидек, бу ғалаба янги Ўзбекистоннинг ғалабаси. Юртбошимизнинг ўтган йилги жаҳон чемпионатидан кейин, “Сен Олимпиада чемпиони бўласан”, деб билдирган ишончи унга янада куч бағишлади. Аллоҳга шукр, бу ишончни оқлади у.

Хар бир ёш шунини тушуниши керакки, инсон мақсадиға бир зумда эришиб қолмайди. Бунинг учун олий мақсади йўлидаги барча қийинчиликларни босқичма-босқич енгиб ўтиши керак. Ўз устида тинимсиз изланиши зарур. Асадхўжа Олимпиада чемпиони бўлгунга қадар анча машаққатли йўлни босиб ўтди.

Бугун бу оилаға ҳавас қилувчилар кўп. Уларнинг аксарияти “мана, оддий қишлоғимиздан ҳам чемпионлар чиқса бўлар экан-ку”, дея фахрланяпти. Қувонарлиси, бугун қўллаб-қувватлашчи ёшлар маҳаллада бокс мактаби қуриш ташаббусини билдирмоқда. Бу борада Асадхўжа билан маслаҳатлашиб, спортсевар ёшларға зарур шароитлар яратамиз.



## “Чемпион бўламан, деган ёшлар кўнаймоқда”

Абдулатиф МАТРАСУЛОВ,  
Бўхоро шаҳридаги Ф.Ҳўжаев полидаги маҳалла раиси:

— Абдумаликнинг Париж Олимпиадасида олтин медални қўлга киритишида маҳалламизнинг ўзига хос ўрни бор. Чунки чемпионимиз шу маҳаллада туғилиб, вояға етди.

Албатта, муваффақиятға эришиш кўп жиҳатдан инсоннинг ўзига боғлиқ. Абдумалик, аввало, ота-онанинг қўллаб-қувватлаши, ўзининг қизиқишлари билан мана шундай ғалабаға эришди. У Олимпия чемпионига қадар жаҳон ва Осиё чемпиони, ёшлар ўртасидаги Олимпиада ўйинлари қолиби бўлган. Бу ғалабадан барчамиз хурсандимиз, айниқса, Абдумаликнинг отаси Равшан ака, онаси Гулнора аянинг қувончи чексиз. Бугун Ҳалоковлар оиласига бутун бухороликлар ҳавас қилмоқда. Ҳавас қилса арзийдиган, оддий, самимий, меҳмондўст оила.

Бугун маҳалламизда Абдумаликдек чемпион бўламан, деган ёшлар кўп. Улар турли спорт турлари бўйича шуғулланмоқда. Демак, келажакда маҳалламиздан Олимпия чемпионининг издошлари чиқади.

## “Маҳалламиз дунёға машҳур бўлди”

Ваҳобжон ТЎХТАЕВ,  
Фарғона туманидаги “Вазир” маҳалласи раиси:

— Лазизбекнинг финал жангини 16 минглик қишлоқ аҳолиси катта ҳаяжон билан томоша қилдик. Шўқри, рақибдан устун келиб, Олимпиаданинг олтин медалини қўлга киритди. Бу оддий бир қишлоқ боласининг Мустақиллигимизнинг 33 йиллиғига муносиб совғаси бўлди.

Чемпионимизни вилоят ҳокими бошчилиғида бутун фарғоналиклар иштирокида катта тантаналар билан кутиб олди. Лазизбекнинг ғалабаси туфайли маҳалламиз дунёға машҳур бўлди.

Муллажоновлар маҳалламизнинг ибратли, зиёли оилаларидан. Оилада яхши тарбия кўрган Лазизбек камгап, оғир йигит. Маҳалла тadbирларида доим фаол. Зарур пайтларда ўз ёрдамини аямайди. Хайрия ишларига бош-қош бўлмоқда. Ўтган йили ўзи ўқиган 49-мактабга спорт анжонлари тўплами совға қилган. Маҳалла ривожини учун режалари кўп. Улардан бири — ёшларнинг спорт билан шуғулланиши учун спорт зали очишдир.



Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари  
ушмасининг ижтимоий-сиёсий,  
маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир:  
Бахтиёр АБДУСАТТОВ  
Дизайнер:  
Абдулазиз АҲМЕДОВ  
Шерзод МАМАНОВ

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Администрацияси  
хузуридаги Ахборот ва оммавий  
коммуникациялар  
агентлиги томонидан  
2024 йил 7 майда  
№271590 рақами билан  
давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA  
DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Тахририят манзили:  
100192, Тошкент шаҳри Мирзо  
Улугбек тумани «Лашкарбеги» МФЙ,  
Мустақиллик шох кўчаси 59-уй.  
Телефонлар:  
71 233-39-89, 71 233-10-92.  
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» НМАК  
босмахонасида чоп этилди.  
Босмахона манзили:  
Тошкент шаҳри Миробод тумани,  
Буюк Турон кўчаси 41-уй.



Ўлчами — 380х587, 4 б.т.  
8 355 нусхада чоп этилди.  
Буюртма №: Г-820

Газета тахририят компьютер  
марказида саҳифаланди ва  
офсет усулида босилди.